



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 222 (8212).

23 ноябрь, 1983 йил • ЧОРШАНБА •

Баҳоси 3 тийин.

ТЕЖАМКОРЛИК—КОММУНИСТИК ХИСЛАТ

ЭКОНОМИКАМИЗ миқёсларининг катта кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми ислоҳ қилинган юксакликларга қўйилган ҳозирги вақтда мавжуд моддий-техника, ишчи кучи ресурсларидан, иш вақтидан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ундан кейин бўлиб ўтган қатор пленумлари қарорларида алоҳида таъкидланганидек, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш халқимиз фаровонлигини ошириш, она-Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эгадир, акс ҳолда бундай ресурсларнинг нисбатан озгина қисмининг фойдасиз исроф бўлиши давлатимизга катта ҳажмда зарар келтиради.

Экономиканинг тежамли бўлиши, давримиз талаби, объектив зарурят бўлиб қолди. Ишлаб чиқаришга жалб қилинган барча табиий, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиш, уларнинг исроф бўлиши олдини олиш учун ҳамма тadbир-чораларни кўриш замон тақозоси бўлиб қолди.

Бутун мамлакатимиздаги каби пойтахт областимиз халқ ҳўжалиги барча тармоқлари меҳнаткашлари тежамкорлик юзасидан бораётган курашда фаол қатнашмоқдалар. Кўпчилик сановат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, қолхоз, совхозлар, конструкторлик ва технология бюрolari, илмий-тадқиқот институтлари коллективлари моддий-техника ва ишчи кучи ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш масаласини доим диққат-эътибор марказига тутмоқдалар. Материал ва хом ашёни, электр ва иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш юзасидан зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан урдаламоқдалар, бу соҳада салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

Областимизда иқтисодий режимга қатъий амал қилиш материаллар ва хом ашёларни тежаш юзасидан зиммага олинган коммунистик мажбуриятларни тўла-тўқис бажариш юзасидан бораётган қизғин кураш ўз самарасини бермоқда. Кўпбал ресурслар иқтисод қилинмоқда.

Ҳа биринчи беш йиллик ҳал қилувчи марказий йилнинг ўтган тўқиз ойида бу соҳада муайян ютуқлар қўлга киритилди. 4427 тонна металл прокати тежаб қилинди. Иқтисод қилинган цемент миқдори эса 4577 тоннага ташкил этди. Материаллар ва хом ашёнинг бошқа турларини ҳам авайлаб сарфлаш натижасида каттагина миқдорда фойда олинди. Масалан, етти йил миқиб кўп метрда ортқ ет-ҳатта материаллари иқтисод қилиниб, бу хом ашёни тежаш бўйича берилган йиллик вазъа деярли 82 процент қилиб аде этилди. Шу давр мобайнида сал кам 150 миллион киловатт-соат электр энергияси фойдага қолди. Иссиқлик энергияси, дизель ёнғиласи, бензин, қозон-чекка ёқилгиси ҳам анчагина миқдорда тежаб қилинди.

Қўлгина корхоналар ва ташкилотлар коллективлари иқтисодий режим талабларига қатъий амал қилаётганликлари тўғрисида ёнғил-энергетика ва қатор бошқа материал турларини тежашда намуна бўларли натижаларга эришмоқдалар. Айниқса, Чирчиқ «Электромашинро» ишлаб чиқариш бирлашмасида бу иш яхши йўлга қўйилган. Материаллар ва хом ашёни тежаш ишончини берадиган резервар ҳажмда ишониятлар қилириб топилиб, улардан оқилона фойдаланилмоқда. Мўъжазакорлар шу йилнинг ўтган уч кватрда шартли 30 миң тоннадан ортқ қозон-чекка ёқилгиси, деярли 190 миң гигакалорий иссиқлик, 105 миллион киловатт-соатдан ортқ электр энергиясини иқтисод қилишди. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металллар комбинати, «Бекбадсепармент» корхонаси ва бошқа қатор биришмалар, корхоналар коллективлари областимизнинг иқтисод фойдага муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Лекин, областимизда материаллар ва хом ашёни, ишчи кучи ресурсларини тежаш тошхирларини бажармаётган, давлат бойлигининг ортқица исроф бўлишига йўл қўйлаётган, тежамкорлик учун кураш ҳўжақўрсунганига ташкил этилган корхоналар ҳам анчагина бор. Уларда электр энергияси, кўмир, нефть, ишлаб чиқаришда ишлатилдиган бошқа материаллар ва хом ашё ортқица сарфланмоқда. Бу билан давлатга, экономикамизга қўлгина миқдорда зарар келтирилмоқда. Бунинг оқибатида қатор моддий ресурсларни тежаш юзасидан областимиз бўйича белгиланган марралар сўст эгалланмоқда.

Масалан, Бекобод цемент комбинатида материаллар ва хом ашёни тежаш ишончини берадиган резерварлардан жуда қонқарсиз фойдаланилмоқда. Корхонада бракка йўл қўйилганлиги учун ўтган тўқиз ойда 1382 тонна қурилиш «юни» бефойда сарфланди. Охангарондаги «Сантехлит» заводда ҳам энергия турларидан фойдаланишда нуқсонлар содир бўлмоқда. Энергетика ҳўжалиги яхши тартибга келтирилмаган. Бу ахвол энергиянинг исроф бўлишига олиб келмоқда. Оқибатда 632 гигакалорий иссиқлик энергияси ва 71 миң киловатт-соат ҳайбахш нур ортқица сарфланди. Чирчиқ ойна заводидан ахвол бундан ҳам аянчидир. Энергиянинг сарфланishi устидан қатъий назорат урнатилмаганлиги оқибатида белгилангандан ташқари сарфланган электр энергияси 270 миң киловатт-соатни, қозон-печка ёқилгиси эса 2136 шартли тоннага ташкил этди. Қатор корхоналарда махсуслот таннархининг ошиб кетиши, меҳнат унумдорлигининг сўсайиши, фойда олиш планларининг бажарилмаётганлиги, ишчи кучи қўнимсизлиги, мавжуд ишлаб чиқариш қуваватлари, машина-механизмлар парки, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилмаётганлиги ва бошқа шу каби нуқсонлар ҳам тежамкорликдаги қўрсаткичларнинг яхшиланishiга ҳалақит бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь пленумларидаги программ нўтқларида экономиканинг барча тармоқларида, ҳар бир биришма, корхона, ташкилот, қолхоз-совхозда иқтисодий тежамкорликнинг ҳар томонлама қучайтириш лозимлиги, бу ишнинг катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида уттирилди.

Шундай экан, ҳамма соҳада тежамкорлик учун кураш, махсуслот бирлигига ишчи кучи, материаллар ва хом ашё сарфланishi тиймаи қаматтириб бориш, ҳам харажат билан кўпроқ махсуслот ишлаб чиқаришни таъминлаш барча меҳнат коллективлари, ҳар бир ишчи-хизматчи, партия, касабасоюз, комсомол ташкилотлари, ҳўжалик органларининг муҳим вазифаси, муқаддас бурчи бўлиб қолиши керак. Ҳамма ишлаб чиқариш коллективларида моддий ва меҳнат ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш, уларни иқтисод қилиш ишонини берадиган резерварларни ишга солиш даркор. Тежамли ишлатишда яхши натижаларга эришаётган коллективлар, бригадалар, айрим ишчиларнинг тажрибасини кеңт омиллаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш иттифоқини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, материаллар ва хом ашёни тежашган коллективлар, ишчи-хизматчиларини муносиб тақдирлаш қатори бракка, материаллар ва хом ашёларнинг исроф бўлишига йўл қўйлаётганлигига қарши чоралар кўриш жойлардаги партия ташкилотлари, раҳбар ҳўжалик органларининг муҳим иш бўлиб қолмоғи зарур.

«ЭКОНОМИКА ТЕЖАМЛИ БЎЛСИН! КПСС XXVI съезди мирибаридан туриб айтилган бу широк экономикамиз барча тармоқлари меҳнаткашларининг муқаддас ширини бўлиб қолсин! Тежамкорлик ҳар бир ишчи-хизматчининг ажралмас хислати, фазилатига айлансин!»

ПАХТАНИНГ МИСКОЛИ ҲАМ НОБУД БЎЛМАСИН!



● Кучлик ҳўжаликларида пахта базаси коллективини айни кунларда декабрь ойи ҳисобига тола жўнатишга киришди. Бу ердан жами 70 миң тоннадан зиёд пахта жўнатилади. Буюртмачилар орасида Англия, ГФР ва Япония сингари сановати юксак тараққий этган мамлакатлар ҳам бор. Суратда: Г. Пун фотоси. ҲАТАГ фотохроникаси.

Г. Пун фотоси. ҲАТАГ фотохроникаси.

● Душабой Хожимов Беклоб районидagi «Далварзин» совхозининг илгор меҳнаткорларидан биридир. У бу йилги мавсумда ўз ишчанисини юксак унум билан ишлатиб, меҳнатки-ҳай-

довчилар ўртасидаги социалистик мусобақада пешачилик қилди. Жами 170 тонна «оқ олтин» териб қолдирилган сафидан ўрни олди.

М. ҚОРАБЕКОВ фотоси.



«РАВОТ» ДУРДОНАЛАРИ

ИНСОН ер фарзанди, табиат фарзанди. Она фарзанди ёмонлиқни раво кўрмаганидек, табиат ҳам инсонни ардоқлайди-авайлайди, ризқ-рўз беради. Табиатнинг табиатида аjoyиб бир мутаосиблик бор — йил давомида иссиқчи ҳам, совуқчи ҳам, кўш ҳарорат-ю ёнгарчиликни ҳам меъерига солиб туради. «Агар бултурги пахта ҳосилига бу йилги серкўш, ёнғисиз қўз бўлганда пахтамиз етти миллионга етарди. Агар пахта инсондан анча кеч ишлан, нодатий саратонда кўп ҳосил ишончалари тўқилди кетган бу йилги шаронда кўз одад-дагидек ёнғил келганда пахтакорнинг шўри эди, бу йилгидек аjoyиб кўз камданкам бўларди». Булар — деҳқон тилидаги тағлар, деҳқон қалбидagi шўрона. Она табиатга шўрона!

Ана, ризқ-рўз — инсон ўз қўли билан яратган, табиат ардоқлаган, ҳимояланган ризқ-рўз — «оқ олтин» ҳамон даладан хирмонлар сари оқиб келяпти. Кам бўлса ҳам, сифати пастрок бўлса ҳам — бор, терилгичи, келатки, хирмонлар қўнсини ҳамон кўкка қадар қўтариш. Бўка районининг «Равот» пахта қабул қилиш пунктида 22 та ана шундай хирмон — бунт тайиб бўлди. Жами 8 миң тоннага яқин «оқ олтин».

Бу «оқ олтин» бир томондан пунктга кириб келяпти, иккинчи томондан чиқиб кетаяпти: халқ ҳўжалиги учун хизмат қилмоқда. Ҳар қуни 20—25 тонна ҳосил қабул қилинганда, 100—120 тонна пахта эса заводга жўнатиляпти. Бўка пахта тозалаш заводида кунига 250—300 тонна пахта ишловдан чиқиб, хом ашё сифатида Тошкент тўқимачилик комбинатига, Иваново, Подмоковье тўқимачилик корхоналарига жўнатиляпти. Фақат шўнгина эмас, завод буюртмачиларининг рўйхати орасида ўнлаб чет мамлакатларни, хусусан,

сановати юксак тараққий этган Канада, Франция ва бошқа шу каби капиталистик давлатларни кўриш мумкин. Планетамизнинг оқис бурчакларидаги ана шу юксак тараққий этган сановат Ўзбекистоннинг фахр — ифтихори бўлиши «оқ олтин»га. Совет пахтасига кўз тикиб туринг.

Мана шундай жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган хом ашёни оддий кишилар, биз жўнгина «пахтакор» деб атайдиган оддий инсонлар яратибди. Пахтадек оғир қалбнинг кўри, пешона тери билан яратмоқда. Райондаги «Ленинбод» колхозининг коллективини ана шу яратувчи, бунёдкор миллат оиларининг кичкина бир бўлаги, холос. Дарёлар ирмоқлардан бўёлга келганидек, миллион тонналарини маана шу бўлақлардан барпо этилмоқда. Қолхоз коллективининг ҳар бир аъзоси ана шу бўлақни бунёдга келтираётган бир зарра ва бу зарранинг ҳар бири ўзича бир олам — меҳнаткаш инсон деб аталувчи бир олам!

Инобат Ҳожибековани олайлик. Бригадир. У бошқик коллектив — колхозда биринчи, энг илгор. Планини биринчи бўлиб бажаришди, ҳозирчага гектаридан 45 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олдилар. Планидаги ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга топирилди. Улар биринчи сорт билан давлатга 141 тонна пахта сотдилар. Бу — 95 миң сўм деган гап. Ундан кейин киничини, унчинчи ва тўртинчи сортларга яна қанча пахта топирилиши.

Ҳам меҳрибон она, ҳам сарништа бека бўлиш билан бирга далада пахта етиштириш, бригадара бошчилик қилиш ва уни ҳўжаликда энг илгор даражага олиб чиқиш — аjoyиб воқеа ва бундай воқеаларни аjoyиб инсонлар яратди. Бизда бундай аjoyиб инсонлар кўп, жуда кўп. Улар меҳнатига, меҳрига,

жасоратига яраша эл эътиборида, партия ва ҳукумат ардоғида. Инобат опа қатор орденлар кавалери, КПСС XXVI съездининг делегати. Қишлоқ Советининг депутати сифатида тиниб-тинчимаслигини айтмайсанми...

Пешадам бригадирлар ҳақида гап кетганида Узоқ Саидов номи ҳам эъзоз билан тилга олинади. Танглайи пахта билан кўтарилган, суяғи пахтазорда қотган яна бир аjoyиб инсон. Бу сифатларининг кўркам нишониси сифатида унга юксак унвон берилган — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор!

«ҲОСИЛ—83»

Узоқ ақанинги бригадаси азаматлари ҳам йиллик план миқдоридagi ҳосилнинг ҳаммасини биринчи сортга топирилиши. 191 тонна пахта — 128 миң сўм. Кейин пастрок сортлар билан яна қанча пахта сотишди. Ҳам давлат, ҳам бригада манфаатдор. Яъни, бу бригаданинг аъзоси бўлиш ҳар бир одам, меҳнаткаш-пахтакор манфаатдор. Биз буни — «бригада» ҳақиб таъкидлаётганимизнинг боиси — бу йил «Равот»да бошқа кўп жойлардаги каби ҳосилнинг ҳаммаси бригадалар бўйича қабул қилиб олинди ва олинмоқда.

— Бу усул ҳосил сифатини оширишга нийҳоятда самарали таъсир кўрсатди, дейди «Ленинбод» колхозининг раиси Ҳўжа Носиров. — Чунки, ҳар бир одам меҳнат қилганидан кейин, авваламбор бу меҳнатдан келажак моддий манфаатини кутди. Унинг меҳнати қанчалик тўри баҳоланса ва шу меҳнатига яраша моддий манфаатдорлик таъминланса — бор ишониятини ишга солишга ҳаракат қилади. Пахта ҳосилини бригадалар

ОҚ ОЛТИН-ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ Тўғрисида ШУ ЙИЛ 22 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайерланган пахта, унчинчи устун — мавсум бошидан буйи, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буйи (планига нисбатан процент ҳисобида)

БўКА	0,18	110,39	—	106,52
КОММУНИСТИК	0,08	108,86	—	110,19
БЕКОВОД	0,17	105,02	—	75,55
ОҚЎРҒОН	0,19	104,81	0,22	108,29
ПИСКЕНТ	0,10	103,09	—	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,05	102,66	—	85,68
ЧИНОЗ	0,25	102,63	0,29	77,67
Янгийўл	0,70	98,60	1,06	82,51
Ғалаба	0,18	92,67	0,03	69,28

Область бўйича	0,20	103,20	0,12	87,31
----------------	------	--------	------	-------

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУЛАРДАН ҲАНАК ОЛИНГ

КОММУНИСТИК И.К. Шу кунгача район ҳўжаликларида жами 32 бригада коллективни ҳар гектар майдондан 41—50 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этди. Бу юқори ҳосил усталирининг аксарият кўпчилиги райондаги машғул «Полиотдел» колхозидандир. Ҳўжаликда 18 бригада ваъдасини ёруғ юз билан бажарганилиги ҳақида ғалаба рапортига низо чеки. Қолхоз бўйича ҳосилдорлик 44,5 центнерга етказилиб, иккинчи марра ҳам эгалланди.

ЗАЛВОРИ ХИРМОН

ОҚЎРҒОН. Йилги пахтачиллик ҳўжаликларида биринчи «Оқўрғон» совхозини меҳнаткашлари 8320 гектар майдондан пландаги 33 центнер ўрнига 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, социалистик мажбуриятларини адо этиди. Қабул пунктларига топирилган 12 миң тоннадан зиёд «оқ олтин»нинг 70 процентдан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди.

Бекни Худойбергандов, Ҳамин Қорабоев, Фахриддин Турсуновлар раҳбарлик қилаётган бўлимлар ва Сайфи Хўшмурад, Абдукарим Тоштанбеков, Хожимат Аҳмадалиевлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорлиги 38 — 45 центнерга етказиб, пахта хирмонига барака киритдилар.

Ҳўжалик пахтазорларида терим давом этипти. Давлатга яна 500 тонна «оқ олтин» топирилиб, ҳосилдорлик 38 центнерга етказилди.

УЧИНЧИ ДОВОН ЗАБТ ЭТИЛДИ

ПИСКЕНТ. Свирлоп номи колхозининг Яхёнов Орифонов бошлиқ юқори ҳосилли бригадаси аъзолари 55 гектар майдондан ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил қўтариб, учинчи довонни ҳам забт этиди. Қабул пунктларига топирилган хом ашёнинг яримдан кўпроғини яъни 150 тоннанинг Эргаш Мадиевлов ўз «сангори рема» си билан териб берди.

ЛАФЗИ ҲАЛОЛ ТАМАРА

ЎРТА ЧИРЧИҚ. «Ленин йўли» колхозининг 5-бригадаси дала шийинида Меҳнат шухрат байроғи ҳилираб турибди. Бу ол байроқ бригаданинг чевар теримчиси Тамара Аблахамова шарафига қўйилган. Бу қаққон теримчи шахсий хирмонини 7 тоннага етказиб, социалистик мажбуриятни муваффақият билан бажарди.

ЯНГИОБОДЛИК ҲАШАРЧИЛАРГА ОФАРИН

БўКА. Район пахтакорларининг юксак социалистик мажбуриятларини областда биринчи бўлиб бажаришларига Янгиобод шахри корхона, ташкилот ва муассасаларидан келган ҳашарчилар ҳам салмоқли улўш қўшдилар. Шу кунгача янгиободликлар улўган хирмон 1435 тоннадан ошди.

2-контр бошқармаси, 174-шаҳар ўрта ҳунартехника билми юрти, Ленин номи 8-ўрта мактаб ва Ҳанза номи 4-ўрта мактаб коллективлари мавсум давомида кунлик суратда юқори кўрсаткичларга эришиб, район пахтакорларига самарали ёрдам кўрсатдилар.

Владимир Ляхов билан Александр Александров ўзларини яхши ҳис этмоқдалар, уларнинг кайфияти яхши.

ТОШКЕНТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала қўрилди.

Ю. Т. Толипов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод этилди.

Илгари шу район партия комитетининг иккинчи секретари вазифасида ишлаб келган А. Тўраонов район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Илгари Янгийўл район партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими мудири вазифасида ишлаб келган А. И. Кашченко район партия комитетининг бюро аъзоси ва иккинчи секретари қилиб сайланди.

Пленумда Тошкент област партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов нўтқ сўзлади.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил ноябрь ойи туртинчи беш кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Сурхондарё области, Самарқанд области, Сурхондарё областининг кўрнқ Шеробод району.

Шеробод районининг кўрнқ «Гулистон» совхозини.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Наманган областининг Косоной районуни, Самарқанд областининг Жомбой районуни.

Сурхондарё областининг Жарқўрғон районуни.

Сурхондарё области, Қўрғон районидagi Ульанов номи совхозини.

Қашқадарё области, Ульанов районидagi 15-А совхозини.

Қашқадарё области, Қашан районидagi Ленин номи колхозини.

Сурхондарё области, Жарқўрғон районидagi «Социализм» колхозини.

КАЙТИБ ТУШИШГА ҲОЗИРПАНМОҚДАЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. 21 ноябрь. (ТАСС). Владимир Ляхов билан Александр Александровнинг космос сафарини наҳоятча етай деб қолди. Улар «Салют-7» — «Союз-Т-9» орбитал комплексини ичидagi тадқиқот ва экспериментлар программасини тўла-тўқис бажардилар ва ерга қайтиб тушишга тайёргарлик қўра бошладилар.

Бутун экипаж станциянинг илмий аппаратурини, айрим агрегатлари ва унинг ичидagi системаларининг ишнинг тўхтатиб қўйиш юзасидан планлаштирилган операцияларни бажармоқда, кейинча-

лик лабораторияда анализ қилиш учун комплекс бўлма-ларидagi ҳаво ва микроусим-ликлардан намуналар олиб жойлаб қўймоқда. Космонавтлар орбитада ўтказилган тадқиқот материаллари сонининг кўпайишига қараганда, «Союз-Т-9» кемасининг туширилуви аппаратурага, ишлати-риб бўлинган асбоб-ускуналар-ни эса манжий бўлмага олиб ўтиб ўрнатиб қўймоқдалар. Жисмоний машғулотлар ва «йиб» пневмовакуум кос-тюмида машқ қилиш учун ҳам вақт ажратилган.

Транспорт кемасини орби-тадан туширишга тайёрлаш-планига мувофиқ экипаж ўт-

ган кунларда унинг ичидagi системалар иш қобилиятини текшириб кўрди, мотор қўришмасини синаш мақсадида ишга солиб кўрди. Телеметрия ўлчови маълумотларига ва космонавтлар-нинг гапларига қараганда, «Салют-7» станцияси билан «Союз-Т-9» кемасининг ичи-дagi системалар нормал иш-лаб турибди. Ерга қайтиб тушиш учун белгиланган графикка аниқ мувофиқ ра-вишда ҳозирлик қўрилноқда.

Владимир Ляхов билан Александр Александров ўзларини яхши ҳис этмоқдалар, уларнинг кайфияти яхши.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

УСТАВ ТАЛАБИ-ҲАЁТ ҚОНУНИ

ЛЕНИН

Темирўйчилар маданият саройи делегатлар билан гап-гап. Улар фойе бўйлаб қўйилган стендлар, диаграммалар, фотокўргазмаларни эътибор билан кўздан кечиришди. Ҳисобот даврида Ленин райони саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу муваффақиятлар ҳозир конференция делегатлари кўздан кечириётган диаграммаларда ўз нафасини топти.

Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида районда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми салкам 18 процентга кўпайди. Меҳнат унвдорлиги эса қарийб 14 процент ошди. Ўзининг 84 процентига меҳнат унвдорлигини ошириш Ҳисоботи эришилди. Саноатчилар янги техника ва технологияни жорий этиш, илгор тажрибаларни кенг қўлланган, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш Ҳисоботи планга қўшимча неча ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Районда кейинги йилларда қалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳисобот даврида бу турдаги буюмларни ишлаб чиқариш қарийб 17 процент кўпайди. Бир қатор корхоналарда кенг истеъмоли буюмларни ишлаб чиқарувчи махсус цех ва участкалар ташкил этилди.

Саноатчилар илмий муассасалар билан ҳамкорликда ишлаб, қўлгина ижараёларни механизациялаш ва автоматлаштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Айни пайтда корхоналарда замонавий цехлар қуришмоқда, маъмурият реконструкция қилинмоқда. Ҳисобот даврида янги цехлар қуриш ва реконструкция қилиш Ҳисоботи 87 миллион сўмлик асосий фондлар янгиланди. Цех ва участкаларда 20 та механизацияланган поток линияи монтаж қилинди, 36 миллион сўмлик янги технология ускуналари ўрнатилди.

Илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга рационализатор ва иxtиpочилар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги уч йил давомида улардан 4 мингта муҳим тақлиф тушди. Бу тақлифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисида салкам 12 миллион сўмлик иқтисодий самара қўрилди. Корхоналарда янги технология жараёларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

тиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Эндиликда буюмларни электрохимия ва электрофизика усулида қайта ишлаш, аниқ штамповка қилиш йўлга қўйилган. Умуман Ҳисобот даврида 230 дан ортиқ технологик жараён ўзлаштирилди. Бу соҳада В. И. Ленин номи электрон техника заводи коллектив олдидан бораётди. Завад партия ташкилоти коммунистлар барча ишчилар эътиборини ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга қаратмоқда. Янги илгор технологияларни ўзлаштириш Ҳисоботи корхонада меҳнат унвдорлиги қарийб 30 процент ошди.

«Средазэлектрораппарат» ишлаб чиқариш бirlашмаси, 1-авторемонт заводи, 1-авторемонт заводи ҳам ишлаб чиқариш ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу коллективларда техника тараққиётини ва илгор тажрибаларини жорий этиш билан шугулланувчи махсус бўлимлар ташкил этилган.

Ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилаш ҳам партия ташкилотларининг диққат-эътиборида бўлди. Ҳозир район бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсу-

лотларда давлат Сифат белгисини олган буюмлар салкам 22 процентини ташкил этилти. Улар 1980 йилга нисбатан уч баравар кўпайди. Ҳозирги кунда 240 буюм фахрий беш қирра белгиси билан чиқарилаётган.

Ленин район партия конференциясида Ҳисобот доклады қилган район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Асеев қўлга киритилган мана шу ютуқлар устида алоҳида тўхталиб ўтди. Уларга партия ташкилотлари жанговарлигини ўстириш, коммунистларнинг ижодкорлиги коммунистлар бўлмоқдалар. Улар КПСС Устави талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўз участкаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Конференцияда КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида коммунистларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада ошириш зарурлиги ўқитилди. «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси, асфальт-бетон заводи, каноп фабрикаси партия ташкилотларининг бу соҳада олиб бораётган ишлари ҳали талаб даражасида эмас. Бу корхонада меҳнат унвдорлигини ва ишлаб чиқариш суръ-

ти муҳокама қилиб ўзларни учун жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар.

Ҳозирги кунда районда 300 та бошланғич, 451 та цех партия ташкилотлари, 32 та партия группаси актив фаолият кўрсатмоқда. Улар сафига 14,5 мингдан ортиқ коммунист ва партия аъзоллигига кандидат бirlашган. Ҳисобот даврида коммунистлар сафи 1,5 минг кишига кенгайди. Район бўйича туғилаётган қўлгина ватанпарварлик ташаббусларининг ижодкорлиги коммунистлар бўлмоқдалар. Улар КПСС Устави талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўз участкаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Конференцияда КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида коммунистларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада ошириш зарурлиги ўқитилди. «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси, асфальт-бетон заводи, каноп фабрикаси партия ташкилотларининг бу соҳада олиб бораётган ишлари ҳали талаб даражасида эмас. Бу корхонада меҳнат унвдорлигини ва ишлаб чиқариш суръ-

ти суст ўсаётти, ресурслардан оқилона фойдаланилма-йпти. «Учқун» ишлаб чиқариш бirlашмасида эса қол-қолларсиз ишлаш ҳаракати кенг қўл очилмапти. Шундай аҳволни «Ташхиссель-маш» заводида ҳам кўриш мумкин. Бу корхоналарнинг айрим цех ва участкаларида план-топшириқлари мунтазам бажарилма қилинапти.

Қатор корхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун зарур чоралар қўрилмапти. Ҳисобот даврида прогнотлар натижасида район бўйича 105 минг ишчи куни йўқотилди. Шу вақт ичида 5,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эди. Агарда иш вақтининг йўқотилиши 10 процент қисқарса, район бўйича унвдорлик икки процент ошган бўлар эди. Бу соҳада айланиш қилиниш, транспорт ташкилотлари коммунистлар зарур тадбирларини қўришлари керак. Прогнотлар шу соҳа корхоналарида қўроқ бўлапти.

Докладчи ва сўзга чиққан коммунистлар Ҳисобот даврида йўлга қўйилган нуқсонларни тўғатишга ёрдам берувчи қўлгина тақлифларни ўртага ташладилар. Тошкент тепловоз-ремонт заводи электромашини цехи сессларлар бригадаси бошлиғи Н. М.

Железнев асосий эътиборини корхона реконструкция қилиш суръатларини оширишга қаратди. Ҳозир заводида катта реконструкция ишлари олиб борилаётган. Бу тадбир ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришга самарали ёрдам бераётти. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида корхона қўлоқлидан чиқиб, планга қўшимча 92 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Бу йил 1,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Бу маблаг ўзлаштириш устидан назоратини қўлайтириш партия ташкилотининг муҳим вазифасидир.

«Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси бош директори О. Қодиров кенг истеъмоли буюмларни ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан коммунистлар бажарётган ишлар тўғрисида таъкидлади. Кенг истеъмоли буюмларни ишлаб чиқариш топириқлари корхонада ой сайин ортири билан адо этилмоқда. Маҳсулотларнинг 60 процентини давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган. Цех партия ташкилотлари, партия группалари олиб бораётган тарбиявий ишлар тўғрисида ҳар бир коммунистнинг ижодий активлиги ошмоқда.

Конференция делегатлари «Средазэлектрораппарат» ишлаб чиқариш бirlашмаси ишчиши Л. Валетова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси полимерлар химияси ва физикаси институти директори С. Ш. Рашидова, Ўзбекистон Компартияси

Марказий Комитети нашриёти партия комитетининг секретари Т. А. Бобоқов, район комсомол комитетининг биринчи секретари Р. Исмолов ва бошқа ўртоқларнинг сўзларини ҳам эътибор билан тингладилар. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талаблари асосида омма орасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни қўлайтириш, ташкилий-партиявий ишларни тақомиллаштиришга ёрдам берувчи бир қатор қимматли тақлифларни ўртага ташла-дилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов иштирок этди.

Конференцияда район партия комитети ва район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Ленин район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ю. А. Асеев район партия комитетининг биринчи секретари, Х. К. Мухомедов район партия комитетининг иккинчи секретари, М. Е. Фузूलова район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Ж. НОСИРОВ.

ИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КИРОВ

САФИГА 10 мингдан ортиқ коммунистни бirlаштирган Киров район партия ташкилоти ўзининг XXXII конференциясига сон жиҳатдан ўнган, сифат жиҳатдан мустаҳкамланган ҳолда келди. Ҳисобот даври ичида коммунистларнинг, райондаги барча меҳнаткашларнинг куч ва гайратлари, билим ҳамда маҳоратлари ишлаб чиқариш потенциалидан тўлароқ фойдаланишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унвдорлигини ўстиришга, янги самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилди.

Район коммунистлари ўз фаолиятларини партиянинг бугунги талаблари асосида ташкил этишлари ва қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Бу муваффақиятлар уларнинг ишлаб чиқаришга етакчилик қилишларида, маҳсулот ҳажмин ва сифатини ошириш учун қўрашларида, меҳнат унвдорлиги ҳам-

да самарадорлигини ўстириш борасидаги ҳаракатларида иқбол сезилиб турди.

Киров район партия комитетининг биринчи секретари М. С. Камолова район партия конференциясида ана шу муваффақиятлар ҳақида гап-гап экан, ўн биринчи беш йилликнинг ўтган вақти мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 11 процент ўсган экан, пилдан ташқари деярли 5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинганлигини алоҳида таъкидлади.

План ва социалистик мажбуриятларни бажариш, юксак кўрсаткичларга эришишда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йилгига номли тикув ишлаб чиқариш бirlашмаси, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бirlашмаси, «Центр-энергоремонт» корхоналарининг коллективлари юксак унвотга эришдилар. Бу корхоналарда коммунистлар ишлаб чиқаришга фан-техника

ютуқларини жорий этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янги қувватларни ишга туширишда ташаббускор бўлдилар. Бошланғич партия ташкилотлари корхоналарда ишни яхшилаш мақсадида бригада пудратини кенг йўлга қўйдилар. Бригадирлар слетлари, партия-группорларнинг семинарлари эса бу соҳадан тажрибаларни оммалаштиришга ёрдам берди.

Район меҳнаткашларининг Тошкент юбилейини ишончли арасидаги иштирокчилари, коммунист панбаликлардаги фаол иштироки ҳам эътиборга лойиқдир. Кировликлар Тошкент ҳар томонлама намунали шаҳар бўлиши учун кўп ҳисса қўшдилар.

Ўтган йиллар мобайнида район партия комитети капитал қурилишга алоҳида эътибор берди. Фойдаланишга топширилган барча объектлар район партия ко-

митети қошида тузилган штаб назоратида бўлди, натижада жуда кўплаб турар-жой, мактаблар, боғча ва ясилар, даволаш муассасалари, маъмурий бинолар қад кўтарди. Юнусовд массивида янги кварталлар бунёд этилди.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб қишлоққа оталиқ ёрдамни қўлайтириш, партия, комсомол сиёсий маорифини, иқтисодий ўқувни яхшилаш бўйича қўлгина тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир районда 58 халқ университетини ишлаб туришти, 125 лектор ва сиёсий докладчи, 800 дан зиёд сиёсий ахборотчи, 3 минг агитатор фаолият кўрсатмоқда.

Районда, маънавий хизмат, медицина муассасалари аҳоли учун энг қўлай муҳитларда хизмат қилмоқда. Халқ маорифи моддий базаси ҳам мустаҳкамланди.

тивлари ҳам актив иштирок этмоқдалар. Бу муассасалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми қарорлари асосида фан билан ишлаб чиқаришнинг тобора ҳамкорлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган Ҳисобот давридан буён районда меҳнаткашларнинг марксча-ленинча илмий дунёқарашини шакллантириш, идеологик ишлар савиясини юксалтириш, партия, комсомол сиёсий маорифини, иқтисодий ўқувни яхшилаш бўйича қўлгина тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир районда 58 халқ университетини ишлаб туришти, 125 лектор ва сиёсий докладчи, 800 дан зиёд сиёсий ахборотчи, 3 минг агитатор фаолият кўрсатмоқда.

Районда, маънавий хизмат, медицина муассасалари аҳоли учун энг қўлай муҳитларда хизмат қилмоқда. Халқ маорифи моддий базаси ҳам мустаҳкамланди.

Ўқув-тарбия ишлари анча яхшиланди. Педагоглар меҳнат тарбиясига кўпроқ эътибор бера бошладилар.

Конференциядан конференциягача бўлган вақт ичида район партия ташкилоти ҳар томонлама чиқиқди, унинг иш методи ва услуби тақомиллашди, сафи кенгайди. Вулгунги кунда район коммунистларининг 35,5 процентини ишчилар ташкил этмоқда. Коммунистлар 245 та бошланғич, 246 та цех партия ташкилотлари ва 286 та партия группасига бirlашганлар.

Ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилотларининг иши ҳар томонлама яхшиланди. Ҳисобот-салоҳият йиллиқлари ушшоққил билан ўтди. Бу мажлислар коммунистлар активлигининг ортақлигини кўрсатди. Музокараларда 1800 коммунист иштирок этди. Улар томонидан 994 та тақлиф киритилди.

Докладчи район партия

ташкилоти эришган ютуқлар ҳақида гап-гап экан, унинг фаолияти камчиликлардан холи эмаслигини ҳам таъкидлади. Ҳамон айрим корхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маъмурият технологияни тақомиллаштириш, меҳнат унвдорлигини оширишга етарли эътибор берилмапти. Давлат мулкни ташкил-тароз қилиш ҳоллари содир бўлиб турипти. «Ўртоқ» кондитер фабрикасида шу йилги техник иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқлар бажарилмаётган. «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси 5-ғишт заводида бошқармас беш йилликнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқариш ҳажминини ўстириш бўйича топшириқларни бажармадилар.

Илмий-тадқиқот институтларида илмий кадрлар тайёрлашга етарли эътибор берилмапти.

Айрим бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ҳамон лойқаллик билан муносабатда бўлмоқдалар. Айниқса, савдо ташкилотлари хизматидан одамларнинг қўнгли тўлмайпти.

Конференцияда сўзга чиққан «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бirlашмаси

партия комитети секретари А. Абдурахмонов, 2515 автоколонна шофери, колонна партия ташкилотининг секретари Ю. Н. Волков, 11-Висострой трестининг бошқарувчиси П. Г. Саркисов, «Ўртоқ» фабрикасининг ишчиси Ф. Алибердиева ва бошқалар ўз сўзларида район партия ташкилоти эришган ютуқлар билан биргаликда йўлга қўйилган шў камчиликларни ҳам кўрсатдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

Конференцияда район партия комитети ва район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Киров район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда М. С. Камолова район партия комитетининг биринчи секретари, А. М. Сергеев район партия комитетининг иккинчи секретари, А. А. Эшонхўжаев район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

С. ХАСАНОВ.

ҚўШИМА ПЛЕНУМ

Қишлоқ хўжалиги ходимлари касба союзи област комитети ҳамда мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлов ишчилари касба союзи област комитетининг қўшима пленуми бўлиб ўтди.

Пленуми област касба союзи райони Совети раиси А. В. Браилов очди.


Пленум мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлов ишчилари касба союзининг қишлоқ хўжалиги ходимлари касба союзи билан бirlаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Пленум СССР Озқ-овқат программасини амалга оширишда касба союзи раисининг асосий вазифаси, уларнинг агро-саноат комплексини ривожлантиришга ўтказадиган таъсирини ўстириш ва қишлоқда касба союзи ташкилоти агро-саноат комплекслари бошқармалари структураси билан мутаносиблаштириш мақсадида

мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлов ишчилари касба союзининг қишлоқ хўжалиги ходимлари касба союзи билан бirlаштиришга қарор қилди.

Т. Р. Ражабов қишлоқ хўжалиги ходимлари касба союзи област комитети раиси, К. Ш. Шодиметов қишлоқ хўжалиги ходимлари касба союзи област комитетининг секретари қилиб сайландилар. Қишлоқ хўжалиги ходимлари касба союзи област комитети президиумининг янги состави ҳам сайланди.

Пленум шунингдек, «Главпроектхозстрой»га қарашли «Промгражданстрой» трести ва «Госкомводстрой»га қарашли «Промгражданстрой» трести хўжаликлари ҳамда касба союз ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан бажарётган ишларига оид масалани ҳам кўриб чиқди.



● ТОШКЕНТДАГИ «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бirlашмасида фотонабор ёрдамида босма маҳсулотлар тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди. «Каскад» деб номланган замонавий ускуналар Ленинград машинасозлари томонидан тайёрланган бўлиб, у барча турда босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Суратларда (юқорида) фотонабор автоматлари бўлимининг оператори С. Турдиев иш устида; (пастда) текстларни кодлаштирадиган аппаратлар бўлимида.

Р. ШАМСУТДИНОВ фотолари. (ЎТАП).



АСОСИЙ МАҚСАД — СИФАТ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йилгига номли тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмасининг коллективни тайёрлаётган маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бirlашма меҳнат аҳли ажойиб ютуқни қўлга киритди. Ўн ойлик

план муддатидан илгари бажарилиб, ой охирига қадар 1 миллион 100 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот реализация қилинди.

Ҳар бир цех ва бригадининг оқилолиятини мажбуриятда биринчи сортларга топшириладиган маҳсулотлар

салмоғини акс эттирувчи алоҳида банднинг бўлиши маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини оширишда аҳли омил бўлипти. Ҳозирги пайтда янги маҳсулотнинг 41 проценти давлат Сифат белгиси билан истеъмоличарга етказиб берилмоқда. Айниқса, Л. Турдиева, Л. Сулаймонова, В. Сметрова бошчилигидаги бригада чеварларининг иши ибратлидир. Улар

барча тикув буюмларини биринчи тақдим этишдаёқ техник назорат бўлимига топширишмоқдалар.

Иккида бirlашма коллектив Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиват кутиб олиш мақсадида юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 21 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — масум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилгани (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:			
«Коммунизм»	137,76	146,13	Бўқа
«Октябрь 40 йилгига»	130,85	138,04	Бўқа
Фрунзе номи	129,26	134,88	Бўқа
«Партия XIX съезди»	125,53	122,25	Бўқа
«Ленинизм»	124,42	121,98	Бўқа
«Политотдел»	122,60	128,15	Коммунистик
Ленин номи	120,49	94,55	Бекобод
Свердлов номи	119,28	101,73	Пискент
«Победа»	119,02	100,28	Ғалаба
«Ленинизм»	117,57	144,89	Оққўрғон
«Ленинский путь»	114,80	119,51	Коммунистик
Охунбобоев номи	112,98	113,91	Ўрта Чирчиқ
Навоий номи	112,92	173,52	Оққўрғон
Тимирязев номи	112,06	116,93	Бўқа
Хамза номи	112,05	110,57	Бўқа
«Коммунизм»	112,05	83,19	Янгийўл
«Коммунизм»	111,06	72,49	Ўрта Чирчиқ
Навоий номи	111,01	90,84	Чиноз
«Ленинбод»	110,74	108,11	Бўқа
Икромов номи	110,00	104,05	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номи	109,37	74,80	Пискент
«Ленинград»	108,67	72,34	Ғалаба
Леппа номи	108,43	75,60	Янгийўл
Жамбул номи	107,56	105,15	Бўқа
«Коммунизм»	106,91	75,58	Оққўрғон
Энгельс номи	106,80	77,42	Ғалаба
Охунбобоев номи	106,61	95,73	Чиноз
Куйбишев номи	106,54	112,88	Ўрта Чирчиқ
Мичурин номи	106,47	99,68	Бўқа
«Ленин йўли»	106,30	114,13	Ўрта Чирчиқ
«Партия XXII съезди»	106,16	82,98	Ўрта Чирчиқ
Энгельс номи	105,88	77,21	Ўрта Чирчиқ
Калинин номи	105,84	91,88	Пискент
«Октябрь 40 йилгига»	105,51	81,76	Чиноз
«Ўзбекистон ССР 30 йилгига»	105,43	98,80	Чиноз
К. Маркс номи	105,14	91,05	Чиноз
Свердлов номи	105,14	59,58	Ўрта Чирчиқ
Ильич номи	104,55	103,17	Бўқа
Охунбобоев номи	104,49	105,72	Оққўрғон
«Ўзбекистон»	103,98	100,36	Коммунистик
«Правда»	103,59	110,02	Коммунистик
«Ленин йўли»	103,44	94,12	Бўқа

P 02312 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1720. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12